



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 29 апрель, № 84 (9255)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27-28 апрель кунлари ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш учун Фарғона вилоятида бўлди.



Fergana Digital Hub

Президент Шавкат Мирзиёев ташрифининг иккинчи кунини Фарғона шаҳридаги Инвесторларга хизмат кўрсатиш маркази фаолияти билан таниди. Фарғона шаҳрида ташкил этилган "Farg'ona Expo", халқаро кўргазмалар маркази фаолияти вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини кенг намойиш этиш, саноат кооперациясини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш ва инвесторлар учун қулай сервис муҳитини яратишга қаратилган. Марказ нафақат кўргазма майдони, балки тадбиркорлар ва инвесторлар учун яхлит мулоқот майдончаси вазифасини ўтамоқда. Беш гектар майдонни эгаллаган мажмуада 200 дан ортқ ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўз маҳсулотларини намойиш этиш имконияти яратилган. Янги барпо этилган 8 қаватли бинонинг дастлабки икки қавати савдо, инвестиция ва тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар учун ажра-

тилган. Юқори қаватлар эса инвесторлар ва бизнес вакиллари учун офис сифатида тақдим этилади. Марказда йил давомида 15 та тармоқ йўналиши бўйича доимий кўргазма-ярмарка фаолияти юротилади. Бу ерда давлат идоралари, ишлаб чиқарувчилар, экспортчилар ва инвесторлар бир майдонда учрашиб, амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш имконига эга бўлади. Фарғона тажрибасининг самарадорлигини инобатга олган ҳолда бундай замонавий кўргазма залларини Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ҳам барпо этиш режалаштирилган. Президент Шавкат Мирзиёевга Фарғона шаҳрида инвестор ва тадбиркорлар учун жорий этилган "Ягона миллий лойиҳа бошқаруви ахборот тизими" платформалари ҳақида маълумот берилди. Таъкидланганидек, "invest.gov.uz" ва "pmi.mit.uz" платформалари маҳаллий

ва хорижий тадбиркорларни ягона рақамли майдонда бирлаштириб, инвестиция лойиҳаларини шакллантириш, амалга ошириш ҳамда мониторинг қилиш жараёнларини очиқ ва шаффоф ташкил этишга хизмат қилмоқда. Ягона инвестиция платформаси "ягона дарча" тамойили асосида ишлайди. У орқали инвестор ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, тайёр инвестиция лойиҳалари билан танишади, ўзига мақбул йўналишни тандайди ва шахсий кабинет орқали зарур жараёнларни кузатиб боради. Инвестор лойиҳа бўйича ишларни мустақил юритиши ёки ваколатли консультант хизматидан фойдаланиши мумкин. Юборилган сўровлар Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан интеграциялашган платформада акс этади. Ҳар бир босқич бўйича муддатлар автоматик белгиланади, ижро масъул менежер томонидан назорат қилинади.

Кечикиш ёки муаммоли ҳолатлар юзага келганда масала Ҳукумат комиссияси муҳокамасига киритилиб, тезкор қарор қабул қилинади. Бундай рақамли ечимлар тадбиркорлар учун қулайлик яратиб, инвестиция муҳитига бўлган ишончни мустаҳкамламоқда. Фарғона вилоятида инвесторлар ва консалтинг ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам самарали йўлга қўйилган. Бу янги лойиҳаларни шакллантириш, уларни молиявий ва ташкилий жиҳатдан пухта тайёрлашда муҳим ўрин тутмоқда. Президентга вилоят учун тақлиф этилаётган қатор йирик инвестиция лойиҳалари тақдим қилинди. Жумладан, Хитой билан ҳамкорликда "Евросиё халқаро савдо маркази"ни барпо этиш, Жанубий Корея билан биопеллет ишлаб чиқариш ва иссиқлик энергияси станциясини ташкил этиш, Туркия билан замонавий тиббиёт кластерини шакллантириш режалари кўриб чиқилди. Шунингдек, Франция, Испания, Бирлашган Араб Амириклари ва Қатар билан ҳамкорликда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган йирик инфратузилмавий лойиҳа тақдим этилди. Вилоятда 5 юлдузли меҳмонхона ва замонавий конгресс-холл қуриш, Қувасой шаҳрида янги форматдаги истироҳат боғини ташкил этиш, электромобиллар учун аккумулятор ишлаб чиқариш каби истиқболли ташаббуслар ҳам кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари марказда Фарғона вилоятининг саноат ва хизмат кўрсатиш салоҳиятига оид кўргазмалар билан танишди. Ҳунармандчилик, қурилиш материаллари, электротехника, машинасозлик, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва заргарлик соҳаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш этилди. Иккинчи йирик залда озик-овқат саноати, экологик транспорт, нефть-газ тармоғи, меболағчилик, фармацевтика ва кимё саноатига оид маҳсулотлар тақдими ташкил этилди. Бу кўргазмалар ҳудудда ишлаб чиқариш тармоқлари кенг қамровда ривожланаётганини намойиш қилди. Шу эрининг ўзида давлатимиз раҳбари хорижий тадбиркорлар билан

мулоқот қилди. Инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, олтинни қайта ишлаш фабрикаси фаолиятини кенгайтириш, замонавий кабель ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш билан боғлиқ ташаббусларга алоҳида эътибор қаратилди. Президент тадбиркорларни қийнаётган масалаларни тинглаб, уларни ҳал этиш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди. Барча лойиҳаларни амалга оширишда тезкорлик, самарадорлик ва очиқликни таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланди. Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳрида Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди. Давлатимиз раҳбари, аввало, кейинги йилларда ҳудуд иқтисодийтида рўй берган ўзгаришларга тўхталиб ўтди. Сўнгги йилларда вилоятда 8 миллиард 200 миллион доллар инвестиция ҳисобига 8 мингта замонавий қувват ишга туширилди. Тадбиркорлик учун 100 триллион сўм ресурс йўналтирилди, тижорат майдонлари 10 миллион квадрат метрга кўпайди. 13,5 минг кичик ва ўрта корхона ташкил этилиб, уларнинг сони қарийб 2 қарра ошди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробарга, саноат 1,5 баробарга, хизматлар 3 баробарга ўсди. Асосийси, сўнгги тўрт йилда ишсизлик 9,2 фоиздан 4,6 фоизга, камбағаллик даражаси эса 11,6 фоиздан 5,2 фоизга тушди. Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Марғилондаги Ипакчи ва Қирғули маҳаллаларида 241 та эски ховли ўрнида 2,5 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилди. Наврўз маҳалласида қурилаётган "Янги Ўзбекистон" массивига бу йил яна 6,5 минг оила кўчи қиради. Бундай ишлар Езёвон, Қува туманлари, Қўқон ва Фарғона шаҳарларида ҳам давом этмоқда. Сўнгги ўн йилда вилоятда 74 минг ўринли мактаб, 145 минг ўринли боғ-

ча ва 3 минг койкали шифохоналар ишга туширилди. 167 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларда 40 мингдан ортқ ўқувчилар таълим олмақда. Таълим сифати ошгани натижасида ёшларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи бўйича Фарғона республикада 3-ўринга кўтарилди. Кишлоқ ҳўжалигида 15 минг гектар саноатлашган боғ ва тоқор яратилди, яна 6 минг гектари янгиланди. Мева-сабзавот экспорти 3 қарра кўпайиб, 400 миллион долларга етди. Фарғона, Сўх, Қува туманлари, Марғилон ва Қўқон шаҳрида туризм жадал ривожланмоқда. Утган йили хорижий туристлар сони илк бор 500 мингдан ошди, туризм экспорти эса 185 миллион долларга етди. — Фарғона аҳли биздан янада катта натижа кутаяпти, — деди Президент. Шу боис жорий йил вилоятда иқтисодийти 9,1 фоизга, саноатни 9 фоизга ўстириш, 4,5 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш, экспортни 2 қарра кўпайтириб, 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди. Йиғилишда Фарғона давлат идоралари, саноат, сервис ва кишлок ҳўжалигида замонавий технологиялар, рақамли ечимлар ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш бўйича намуна бўлиши кераклиги таъкидланди. "Беш миллион сунъий интеллект етакчиси" дастури бўйича сертификат олган ёшларнинг энг кўпи Фарғона вилоятига тўри келади. Вилоят ва туманлар раҳбарларига иқтидорли ёшларни жалб этиш ҳолда давлат идораларидаги хизматлар ва жараёнларни рақамлаштириш, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулайликларни ошириш топширилди. Маҳаллаларнинг устунликларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, иш ўрни, қўшилган қиймат ва аҳоли даромадини кўпайтирадиган лойиҳалар ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЧЕХИЯ БОШ ВАЗИРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш 29-30 апрель кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент шаҳрида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади, кўп қиррали Ўзбекистон — Чехия ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилади. Ўзаро савдони кўпайтириш, машинасозлик, "яшил" энергетика, кимё, фармацевтика ва транспорт соҳаларида кооперацияни кенгайтириш диққат марказида бўлади. Маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади.

Халқаро кун тартибидеги масалалар, шу жумладан, кўп томонлама майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам фикр алмашилади. Учрашув якунида икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Ташриф доирасида Бош вазир Андрей Бабиш Ўзбекистон — Чехия бизнес форумида ҳам иштирок этади.

Ў.А.

Муҳокама

СИЁСИЙ МУЛОҚОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев ва Буюк Британия парламентидаги Марказий Осиё мамлакатлари бўйича умумпартиявий парламент гурӯҳи раиси Памела Кокс бошчилигидаги делегация ўртасида онлайн мулоқот бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари атрафлича муҳокама қилинди. Хусусан, парламентларо мулоқотни изчил ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, таълим, илм-фан ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги сиёсий мулоқот барқарор ва изчил ривожланиб, ўзаро ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. 2024 йил апрель ойида имзоланган Кенг қамровли шеърлик тўғрисидаги декларация, шунингдек,

ташқи сиёсат идоралари ва ҳукуматлар даражасидаги фаол алоқалар икки томонлама муносабатларга тизимли ҳамда узоқ муддатли характер бағишламоқда. Суҳбат чоғида иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, "яшил" иқтисодиёт, муҳим минераллар, рақамли технологиялар, молиявий хизматлар ва кишлок ҳўжалиги каби устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Учрашув якунида томонлар парламентларо мулоқотни фаоллаштириш икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш ва уни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини таъкидлашди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА АКС ЭТМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда экстремизмининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш, тадбиркорлик субъектлари учун тартибга солиш юқини камайтириш, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг давлат пенсия таъминотини яхшилаш, киберхавфсизликни таъминлаш ва рақамли муҳитдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ветеринария назоратини такомиллаштиришга доир қатор қонун лойиҳалари ҳамда парламент назоратига оид масалалар муҳокама қилинди. Ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталар, ишчи гурӯҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрафлича кўриб чиқилгани айтилди.

Аҳоли экстремизм таҳдидларидан ҳимояланади

Дастлаб депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига экстремизмга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди. Таъкидланганидек, бугунги кунда экстремистик ва террорчилик ташкилотлари ахборот технологиялари ҳамда интернет тармоқларидан фойдаланиб, ёшларни зуравонликка жалб этишга уринаётгани кузатилаётган. Шу боис амалдаги қонунчиликни замон талаблари асосида такомиллаштириш жуда муҳим. Профилактика чора-тадбирларини кучайтириш, масъул идоралар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш кун тартибидеги долзарб вазифадир. Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда тинчлик ва оқсоқталликни мустаҳкамлаш, тажовузкор уринишларнинг олдини олиш, ёшларни турли зарарли таъсирлар-



дан ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятли. Ҳужжат билан Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга жамоат хавфсизлиги ва тартибга таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунга экстремизмининг олдини олиш, бу ҳақда хабар берган шахсларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, экстремистик ташкилотларни белгилаш тартибларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган нормалар киритилмоқда.

3

Сурур

Фарғона тонги

Тонг отгунча не бало замона бўлди,
Куйган юрак-бағирлар сўзона бўлди.

Жой тегмай мазордан Муқимий сарсон,
Фурқат тирикликда гирёна бўлди.

Шўрига шўрва тўкди Шўроси кейин,
Ҳамза, Усмонлар жони ордона бўлди.

Ўзбегим, деб куйиб ўтди шоир,
Эркин устозга эрки бегона бўлди.

Нихоят, уфқ ёришди, тин олади эл,
Сўз ва иш бир бўлди, мардона бўлди.

Инсон қадр, адолат бўлди устун,
Халқ қошида давлати парвона бўлди.

Тумандек тарқадди кўркүв, гумон, ғам,
Этиқдек қайтди, юрт пирхона бўлди.

Маориф елкасидан ағнаб хирмон,
Мактаб кучоғи тўлиб, нурхона бўлди.

Бу не мўъжиза дейсиз, атрофга боқиб,
Илм гарбона, тарбия шарқона бўлди.

Бунёдкорлик ўстурди миллат руҳини,
Халқ ва давлат фитрати ягона бўлди.

Янги Марғилонга қайтди Отабек,
Кумуш дostonида афсона бўлди.

Кўринг, водийларни яёв кезганда
Кўнгулда ифтихор шоҳона бўлди.

Мунаввар тонг отди Ўзбекистонда,
Фарғона ҳам энди Фарғона бўлди.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Масалан, Ёзёнов тумани имкониятлари сунъий интеллект ёрдамида ўрганилганда туман иқтисодиётида асосий эътиборни логистикага қаратиш зарурлиги аниқланган. "А-373" магистраль йўлининг Ёзёновдан ўтган 35 километр қисми орқали кунига 30 минг транспорт воситаси ҳаракатланади. Шу боис туманда логистика марказлари, йирик омборлар, йўлбўйи сервис объектиларини кўпайтириш орқали иқтисодий айланма яна 1 триллион сўмга ошириш вазифаси қўйилди.

Сўнгги йилларда Фарғонада IT хизматлари 4 қарра ўсиб, экспорт 23 миллион доллардан ошди. Янги ўқув йилидан Қува таърибаси асосида яна 16 та туманда техникумлар негизда дастурлаш, робототехника, график дизайн ва хорижий тиллар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Фарғона шаҳрида IT-парк университети, Марғилонда ИНХА университетининг филиалини очиб, сунъий интеллект, киберхавфсизлик ва дастурий муҳандислик йўналишларида йилга 1 минг нафар талабани ўқитиш белгиланди.

Электрон тижоратни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳада Фарғона улуши ҳали паст экани қайд этилиб, вилоятда камда 100 минг квадрат метри омборхона ташкил қилиш, шундан 30 минг квадрат метри жорий йилда ишга тушириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Саноат ва хунармандчиликка ихтисослаштирилган 126 та маҳалладаги тадбиркорларни электрон тижорат платформаларидан фойдаланишга ўргатиш вазифаси қўйилди.

Қишлоқ хўжалигида мавжуд захираларни ишга солиш ҳам муҳима қилинди. Вилоятда 370 минг гектар сугорилган ер, шундан 55 минг гектар боғ ва тоқзор бор. Афсуски, 5,5 минг гектар боғ ва тоқзор эскирган, 6 минг гектар дашт ҳамда адир ерларидан самарали фойдаланилмапти. Бу қўшимча 300 минг тонна мева-сабзавот ва иқтисодиётга 2 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратиш имкони экани таъкидланди.

"Қува Агростар" агромажмуаси таърибаси алоҳида қайд этилди. Бу ерда кооперация асосида томорқа ва деҳқон хўжалиқларида кичик цехлар қуриш, деҳқонларни ўқитиш, "in vitro" лабораторияда етиштирилган қўчатлар

билан таъминлаш ва тайёр маҳсулот экспортга қўмаклашиш йўлга қўйилмоқда. Мана шундай ёндашувларни барча туманларда жорий қилиш, 5,5 минг гектар эскирган боғларни тўлиқ янгилаш топширилди.

Вилоятда 50 минг гектар кам ҳосилли пахта ва галла ерлари ҳамда самараси паст боғлар ўрнида супер интенсификация ёрдамида янги экинчилик бўғлар яратиш бўйича катта дастур ишлаб чиқилди. Бу йил 611 минг тонна мева, 252 минг тонна узум, 1,8 миллион тонна сабзавот, 119 минг тонна шоли етиштириб, мева-сабзавот экспортини 25 фоизга ошириш ва 500 миллион долларга етказиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция масалаларига ҳам тўхталди. Вилоятда саноат зоналари учун ажратилган 1 минг 77 гектар ердан самарали фойдаланиш, ҳар бир гектарда йилга камда 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш асосий мезон бўлиши белгиланди. Саноат зоналарида 5 миллиард долларлик лойиҳаларни бошлаш топширилди.

Бешарикдаги Андархон маҳалласида эркин савдо зонаси ташкил этиш, Қўқондаги механика заводи ҳудудида 70 миллион долларлик йирик савдо комплексини барпо этиш тақлифлари қўллаб-қувватланди.

Туризм соҳасида ҳам катта имкониятлар борлиги қайд этилди. — Тарихий обидалар ва бетакор табиати ўзида жамлаган Фарғонада хорижий туристлар оқими яна 2-3 қарра оширса бўлади, — деди Президент.

Бунинг учун Қўқон ва Марғилонни зиёрат туризмга, Сўх, Қува, Бешарик ва Фарғона туманларини табиий ҳамда экотуризмга ихтисослаштириш зарурлиги таъкидланди.

Қувадаги "Каркидон" сув омбори атрофида дам олувчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавулодда вазиятлар маркази ташкил этилгани қайд этилиб, мамлакатдаги бошқа сув омборларини ҳам босқичма-босқич аҳоли ва сайёҳлар учун қўлай масканларга айлантириш вазифаси қўйилди.

Марғилонда "Бурхониддин Марғиновий" илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиши миллий қадриятлар ва тарихимизни дунёга намойён этадиган муҳим қадам сифатида баҳоланди. Фарғона туманида "Шоҳимардон — Ёрдон" халқаро курорт зонаси, "Водий" малина-агротуризм кластери, "Аввал"

кўнгилочар туризм мажмуаси ва "Чимён" санаторий-курорт зонаси каби лойиҳалар амалга оширилмоқда. Келаси йил якунигача 300 миллион долларлик 50 та туризм лойиҳасини ишга тушириш зарурлиги белгиланди.

Қўқонда 64 та маданий мерос объектини қамраб олган 3 та пиёда туризм маршрути ишлаб чиқилган. Шаҳардаги маданий мерос объектларида жойлашган давлат идораларини бошқа биноларни қўриши, тарихий объектларни туризм ва маданият масканларига айлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Сўх туманида экотуризм, агро ва табиий туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлиги таъкидланди. Сўх дарёсининг Сариканда, Истиқлол ва Ровон маҳаллаларидан ўтган қисмида 130 гектар майдонда йирик туризм комплексини барпо этиш, хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда тумани ривожлантириш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш топширилди. Умуман, туманга янгиқа олиб кириш бўйича уч йиллик дастур қабул қилиниши эълон қилинди.

Йилгилишда Фарғонанинг бой маданий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Қўқон адабий муҳити антологияси ва электрон платформасини яратиш, Адабиёт ва ижод мактабини ташкил этиш тақлиф қилинди. Ёшлар ўртасида китобхоналики оммалаштириш мақсадида вилоятдаги 100 та маҳаллада намунавий маҳалла кутубхоналари ташкил этилади, бук-кафе очган тадбиркорларга солиқ ва ижара тўловлари бўйича имтиёзлар берилди. "Бурхониддин Марғиновий" илмий-маърифий ва туризм мажмуасида ҳар икки йилда Халқаро китобхонлик фестивалини ўтказиш, унга дунёнинг машҳур ёзувчи ва шоирларини тақлиф қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Фарғона маданиятининг ажралмас қисми бўлган аския санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Марғилонда Юсуфжон қизик Шарқаржон номидаги Республика аския ва қизикчилик санъати маркази ташкил этилгани қайд этилиб, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш, туман маданият марказлари ҳамда мусиқа-санъат мактабларида аския ва қизикчилик маҳорати йўналишларини очиб топширилди.

Йилгилиш давомида вилоят ва туманлар раҳбарларининг ҳисоботлари, тадбиркорлар ва жамоатчилик вакиллари фикрлари тингланди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳридаги IT-парк мажмуасида яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Мазкур мажмуа давлатимиз раҳбарининг 2024 йил август ойидаги ташрифи давомида берилган топшириқлари асосида барпо этилган. 150 миллиард сўм бюджет маблағлари ҳисобига қурилган объект бир вақтнинг ўзида 200 нафаргача фойдаланувчини қамраб олади. Йилга 3 мингдан ортиқ ёшларни ўқитиш, уларни амалий лойиҳаларга жалб этиш ва АТ хизматлари кўрсатиш имконияти яратилган.

Марказда фрилансерлар ва дастурчилар учун замонавий коворкинг муҳити, резидент компаниялар учун тўлиқ жиҳозланган офислар ташкил этилган. Бу ерда таълим, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари ўзаро боғланган. Яратилган инфратузилма ёшларнинг ўзини ўзи банд қилиш имкониятларини кенгайтириб, барқарор даромад топишига хизмат қилади.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Фарғона вилоятида АТ хизматлари ҳажми 4 баробарга ўсиб, экспорт 23 миллион доллардан ошган. Ҳозирги кунда вилоятда "IT-парк" резидентлари сони 139 тага етган. 2025 йилда 22,7 миллион долларлик ахборот технологиялари хизматлари экспорт қилинган.

Янги парк доирасида резидентлар сони 200 нафарга етказиш, 700 та иш ўрни яратиш, хизматлар ҳажминини ошириш ҳамда 30 миллион долларлик экспортга эришиш мақсад қилинган.

Келгусида мазкур мажмуада сунъий интеллект технологиялари хабини ташкил этиш, бошқарув тизимларини рақамлаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, сунъий интеллект, дастурлаш, график дизайн, компьютер савдохонлиги ва инглиз тили бўйича замонавий ўқув курслари йўлга қўйилди. Стартап учун венчур молиялаштириш, грантлар ва акселерация дастурлари жорий этилади.

Президентимиз парк резидентлари ва ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган ёшлар билан мулоқот қилди. Улар томонидан илгари сурилган ташаб-

бус ва гоёлар қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилояти футбол ассоциациясига қарашли футбол маркази ва "Нефтчи" болалар футбол академиясида яратилган шароитлар билан танишди.

Фарғона вилояти ўзининг бой футбол анъаналари ва истеъодли чарм тўп усталари билан машҳур.

Жумладан, 1962 йилда ташкил этилган "Нефтчи" футбол клуби Ўзбекистон Суперлигасининг 6 қарра чемпиони, мамлакат кубогининг 2 қарра ва суперкубогининг 1 қарра соҳибига эришган. Шунингдек, клуб 1994 йилда МДХ кубоги финалчиси бўлган, 1994-1995 йилларда эса Осиё чемпионолар лигасида бронза медалларини қўлга киритган.

Бугун ҳам ҳудудда иқтидорли ёш футболчиларни саралаб олиш ва тайёрлаш, малакали мураббийлар захирасини шакллантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, профессионал футбол клублари академияларини ривожлантиришга қаратилган чоралар натижасида 2025 йилда "Нефтчи" болалар футбол академияси ташкил этилди.

4,5 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган академия 150 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар учун мўлжалланган. Бу ерда 6 та катта ва кичик футбол майдони, замонавий табиий ва реабилитация зоналари билан жиҳозланган физиотерапия бўлими фаолият юритади.

Академияда 1,1 миллион долларлик сунъий қопламали, ҳаво гумбаз билан ёпилган ёпиқ футбол манежи барпо этилган.

Вилоятда футбол муҳитини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш, иқтидорли ёшларни саралаш мақсадида UEFA инструкторлари билан бошқа халқаро мутахассислар жалб қилинган. Президентимиз академияда футболчилар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг машғулотларини кузатди.

Фарғона вилоятига ташрифи доирасида давлатимиз раҳбари Фарғона халқаро аэропортини ривожлантириш концепцияси тақдимоти билан танишди.

Бугунги кунда Фарғона аэропортидаги терминал ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида фаолият юритиб келмоқда. Унинг ўтказувчанлик қуввати, йўловчи-

ларга қўлайлик даражаси, шунингдек, авиация ва ноавиация хизматларини ривожлантириш имкониятлари замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермай қолган.

Шу боис парвозлар географиясини кенгайтириш, ҳудуднинг ўсиб бораётган иқтисодий фаоллиги ва сайёҳлар оқимига мос равишда хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида аэропорт инфратузилмасини комплекс ривожлантириш режалаштирилган.

Тақдимотда учинчи-қўнчи йўлагини узайтириш ва кенгайтириш, аэродром инфратузилмасини модернизация қилиш, янги йўловчи ҳамда юк терминалларини барпо этиш масалалари кўриб чиқилди.

Майдони 20 минг квадрат метр бўлиши кутилаётган янги йўловчи терминали ҳозирги имкониятларга нисбатан икки баробар кўп — 1,2 минг нафаргача йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Шунингдек, қўшимча самолёт тураргоҳлари барпо этилиб, ҳаво кемаларини сақлаш имконияти 10 тагача етказилади.

Янги терминалда кенг кутиш заллари, замонавий сервис нуқталари, қўлай рўйхатдан ўтиш ва назорат тизимлари, шунингдек, юқори мартабали меҳмонлар учун алоҳида хизмат кўрсатиш шароитлари яратилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари аэропорт ҳар қандай ҳудуднинг "дарвозаси" эканини таъкидлаб, бу ерда замонавий сервисни йўлга қўйиш, транспорт ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ёндош тармоқларни ривожлантириш бўйича тавсиялар берди.

Лойиҳалаш, қурилиш ва янги терминални кейинчалик бошқаришни халқаро стандартлар асосида, тегишли таърибга эга хорижий операторларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши Фарғона водийсида транспорт болгиқлигини кучайтириш, сайёҳлар оқимини ошириш ва ҳудуднинг логистик марказ сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўза махсус мухбирлари.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида яна бир бор амин бўлдикки, бугун водийда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари ва замонавий лойиҳалар ҳудуд тараққийнинг янги босқичга кўтарилганидан далолат бермоқда. Шунини таъкидлаш мумкин, ушбу ўзгаришлар марказида, аввало, инсон манфаатлари, аҳоли фаровонлиги турибди.

Муносабат

Яқинда водийнинг Қўқон, Наманган, Андижон ва Марғилон шаҳарларини боғловчи янги электропоезд қатнови йўлга қўйилгани бунинг яққол намунасидир. Мазкур лойиҳа аҳолига қўлай, хавфсиз ва арзон транспорт хизматини тақдим этиш билан бирга, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айниқса, чипта нархининг ҳамёнбоплиги ва замонавий қўлайликларнинг жорий этилгани оддий фуқаролар учун катта имконият яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ушбу йўналишдаги илк қатновда бевосита иштирок этгани эса халқ билан яқинлик, очкилик ва ислоҳотларнинг амалий натижаларини жойида кўришга бўлган юксак эътибор ифодасидир.

Шу билан бирга, саноат соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Қувасой шаҳридаги "Сrown Ceramic" қўшма корхонаси мисолида маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қиймат яратиш ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этиш жоиз. Замонавий технологиялар, экологик талабларга мос ишлаб чиқариш ва энергетикадор ечимлар бугунги саноат тараққийнинг асосий мезонларига айланмоқда.

Бутун мамлакатимиз миқёсида бўлгани каби туризм соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар Фарғонанинг ҳам салоҳиятини янада очиб бермоқда. Жумладан, "Каркидон" сув омбори ҳудудида барпо этилаётган замонавий туризм мажмуаси бу ерни нафақат



Гулнора МАРУФОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

мамлакатимиз, балки бутун минтақа миқёсидаги жозибадор масканга айлантириши аниқ. Бу эса иш ўринлари яратиш, хизматлар соҳасини ривожлантириш ва аҳоли даромадининг оширишда муҳим омил бўлади.

Ҳар бир мамлакат, миллат тараққийи асосида маънавият ва маърифат ётади. Шу нуқтани назардан Фарғонадаги маънавий-маърифий йўналишдаги ишлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Марғилон шаҳридаги "Бурхониддин Марғиновий" илмий-маърифий ва туризм мажмуаси халқимизнинг бой тарихий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш, ёш авлодни илм-фан ва маърифатга йўналтиришда беқеъс аҳамият касб этади. Бу каби мажмуалар миллатий ўзлигини англаш, маънавий қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ёшлар масаласига қаратилган эътибор ҳам диққатга сазовор. Замонавий техникадан, стартап марказлари ва дуал таълим тизимининг жорий этилиши ёшларнинг амалий билим ва кўникмаларини ошириш, уларни меҳнат бозори талабларига мос мутахассис қилиб тайёрлаш имкони бермоқда. Бу эса мамлакатимиз келажаги учун мустаҳкам пойдевор демакдир.

Шунингдек, спорт соҳасида, хусусан, футбол инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам ёш авлодни соғлом турмуш тарзига жалб этишда муҳим ўрин тутди. "Нефтчи" болалар футбол академияси мисолида ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш ва уларни халқаро майдонда олиб чиқиш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бугун Фарғонада амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа, ҳар бир ислоҳот инсон манфаатларини таъминлаш, иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва мамлакатимизнинг халқаро нуфузини оширишга қаратилган.

Ишончимиз комилки, бундай кенг кўламли ва тизимли ишлар натижасида Фарғона водийси нафақат юртимизнинг, балки бутун минтақа тараққийнинг етакчи марказларидан бирига айланади.

Гулнора МАРУФОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Президентимиз 27-28 апрель кунлари Фарғона вилоятида бўлиб, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнлари, маҳаллалар ҳаёти билан танишди. Давлатимиз раҳбари раислигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган йилгилишда ҳудудни янада тараққий этиши бўйича устувор вазифалар белгилан берилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

Акс садо

Ижтимоий-иқтисодий масалалар самарали ҳал этилади

Зокиржон ЗОҲИДОВ,
Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлатимиз раҳбарининг Фарғонага ташрифи вилоят тараққийида яна бир муҳим босқич сифатида баҳоланмоқда. Ҳудуднинг саноат салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар улушини кўпайтириш зарурлиги фаоллар билан ўтказилган йилгилишда алоҳида таъкидланди. Кейинги йилларда амалга оширилган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар вилоятни барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқди. Хусусан, янги саноат корхоналари ташкил этилиб, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилинди.

Ижтимоий соҳада ҳам янги мактаблар, боғчалар ва тиббиёт муассасалари қурилади, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати оширилди. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарда ўқитиш бўйича дастурлар амалга оширилди. Бу эса аҳоли даромадларининг ўсишига ва турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилди.

Албатта, ютуқлар билан бирга ҳали ечимни кутаётган айрим масалалар ҳам бор. Давлатимиз раҳбари ушбу муаммоларни босқичма-босқич ва изчиллик билан ҳал этишга қаратилган муҳим вазифаларни белгилан берди. Бу вилоятдаги ҳар бир туман ва шаҳар салоҳиятини тўлиқ очиб бериш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Янги иш жойлари очилиши, барқарор даромад манбалари яратилиши, хизмат кўрсатиш кенгайиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги кўтарилиши масалалари парламентнинг ҳам доимий эътиборида бўлиб, бу бўйича қатор муҳим қўнлар қабул қилинмоқда. Биз, депутатлар белгилаб берилган вазифаларни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда уларнинг ижроси устидан доимий равишда депутатлик назоратини ўрнатиб боришимиз лозим.

иқтисодий фаоллиги кўтарилиши масалалари парламентнинг ҳам доимий эътиборида бўлиб, бу бўйича қатор муҳим қўнлар қабул қилинмоқда. Биз, депутатлар белгилаб берилган вазифаларни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда уларнинг ижроси устидан доимий равишда депутатлик назоратини ўрнатиб боришимиз лозим.

Водий аҳолисини бирлаштирувчи «ишонч кўприги»

Нодирбек ТИЛАВОЛДИЕВ,
Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи давомида Фарғона водийсида Қўқон, Наманган, Андижон ва Марғилон шаҳарларини боғловчи янги электропоезд қатнови йўлга қўйилди.

Водий шаҳарларини бирлаштирувчи 324 километрлик ағона темир йўл халқасининг тўлиқ ишга тушиши минтақадаги иқтисодий интеграцияни янги босқичга олиб чиқди. Илгари дизель локомотивларига асосланган эски плацкарт вагонларда қатновдан вақт ва техник имкониятлар жиҳатидан чекланган бўлса, эндиликда замонавий, хавфсиз, тезкор ва экологик тоза электропоездлар йўлга қўйилди.

Ушбу лойиҳа тадбиркорлар учун товарларни ташиниш ва хизмат кўрсатишда логистик харажатларни сезиларли даражада қисқартиради. Фуқаролар энди бир шаҳарда яшаб, бошқасида ишлаши ёки ўқини учун кўпроқ имкониятга эга бўлади. Бу эса ҳудудлар ўртасидаги меҳнат бозорини ҳам мувозанатлаштиради.

Депутат сифатида мазкур лойиҳани "ижтимоий тенглик"нинг бир кўриниши, деб биламан. Чунки ҳар бир фуқаро, у қаерда яшамасин, замонавий транспорт хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Янги маънавий юксалиш

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Қонунчилик палатаси депутати:

— Марғилон шаҳрида "Бурхониддин Марғиновий" илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиши Фарғона ривожига янги даврни бошлаб бериши, шубҳасиз, ушбу мажмуа, аввало, Бурхониддин Марғиновийнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, ҳудуднинг қадимий хунармандчилик анъаналарини асраб-авайлаш, зиёрат ва маданий туризмни ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мажмуа нафақат зиёрат ва туризм маскани, балки илм-фан, маданият ва санъатни бирлаштирувчи ноёб макон сифатида ҳам алоҳида эътиборга молик. Бу ерда жойлашган таълим ва маданий муассасалар эса ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга замин яратади. Бу, ўз навбатида, Увайсий, Нодира, Фурқат каби маънавий юлдузлари етишиб чиққан Фарғона заминининг аънаваларини давом эттиради.

Мазкур мажмуа бугунги ислоҳотлар самараси, эртанги тараққийи пойдевори ва энг муҳими, миллат маънавиятининг янги босқичга кўтарилаётганининг яққол далилидир. Бу маскан Янги Ўзбекистон мўъжизалари қаторидан муносиб ўрин эгаллаб, вилоятнинг муҳим ташриф нуқталаридан бирига айланишига ишонимиз.

Давлатимиз раҳбарининг Фарғонага ташрифи, шубҳасиз, вилоятни янада ривожлантириш, инсон қадрини улуғлаш, халқни рози қилиш, ҳудуднинг беқеъс имкониятларини юзага чиқариш, фаровонликни юксалтириш, турмуш шароитини янада яхшилашга йўл очди.



БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, саноатни модернизация қилиш ва ташқи савдо салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган ислохотлар изчил ва тизимли равишда амалга оширилмоқда. 24 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам Президентимиз томонидан инвестиция жараёнларида лойиҳани тўғри танлаш ва унга мос, салоҳиятли инвесторни жалб қилиш устувор вазифа экани қатъий таъкидланди. 2026 йилда 53 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб этиш мақсад қилинди. Бу кўрсаткични таъминлашда инвестицияларнинг миқдорига эмас, балки уларнинг сифатига эътибор қаратишга ургу берилди.

Таҳлил

Статистик рақамларга кўра, сўнгги йилларда инвестиция фаоллиги барқарор ўсиш динамикасини намояндалаштирди. Хусусан, 2025 йилда 43,1 млрд. доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди, белгиланган режа 103 фоизга бажарилган ва бу кўрсаткич 2024 йилдагига нисбатан 1,2 баробар ошган. Бугунги кунда жами 3 152 та лойиҳадан иборат, умумий қиймати 319,3 млрд. долларга тенг инвестиция портфели шакллантирилган. 2026 йилда эса 2 289 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган иқтисодий ўсишнинг мустақам асослари яратилаётганини кўрсатади.



Комплекс дастур ишлаб чиқиши инвестиция сиёсатининг амалии самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Янги ёндашувга кўра, инвестиция жараёни "инвестиция молия — лойиҳа — ишлаб чиқариш — экспорт" занжири бўйича ягона рақамли бошқарув тизими асосида ташкил этилмоқда. Бу тизим лойиҳаларни танлаш, амалга ошириш ҳамда мониторинг қилиш жараёнларини тизимлаштириб, инвестиция самарадорлигини ошириш ва экспорт натижаларини қаролатиш имконини беради.

Экспорт салоҳиятини ошириш масаласи ҳам устувор вазифалар қаторида қолмоқда. 2026 йилда экспорт ҳажмини 27,8 млрд. долларга етказиш режалаштирилган. Ушбу жараёнда, энг муҳими, экспорт таркибидда сифат ўзгаришлари кузатилаётди. Хусусан, қайта ишланган маҳсулотлар улуши 56 фоизга етиб, хомашё экспорти 9 фоизга қамайган. Мамажидани миллий иқтисодиётда қўшимча қиймат яратиш жараёнида чуқурлашадиганидан далолат беради.

Мамлакатимиз экспорт географияси ҳам изчил кенгаймоқда. Асосий ташқи бозорлар сифатида Россия, Хитой, Афғонистон, Қозоғистон ва Туркия давлатлари қайд этилди. Экспортни диверсификациялаш, янги бозорларга чиқиш ва миллий маҳсулотларнинг халқаро рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ташқи сармоани жалб этишда халқаро молия институтларининг ўрни беқиёс. Хусусан, Ислоҳ тараққиёт банки томонидан 1,2 млрд. доллар, Европа тиклиниш ва тараққиёт банки 1,1 млрд. доллар, Осиё тараққиёт банки 897 млн. доллар ва Жаҳон банки томонидан 824 млн. доллар миқдоридан молиявий ресурслар жалб этилган инвестиция фаолиятининг халқаро даражада ишончилигини тасдиқлайди.

Юқорида келтирилган таҳлиллар мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати янги сифат босқичига кўтарилиганини, энди асосий эътибор инвестиция ҳажмини оширишга эмас, балки унинг самарадорлиги, экспортга йўналтирилганлиги ва иқтисодиётга қўшаётган реал ҳиссасини таъминлашга қаратилганини билдиради. Бу эса барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Жамия Бобаназарова,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий
алоқалар, хорижий инвестициялар ва
туризм масалалари кўмитаси аъзоси.

Кўшма йиғилиш

Тизимли чоралар самара бермоқда

Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ҳамда халқ депутатлари Янгиҳаёт тумани Кенгашининг кўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда туманда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги атрофида муҳокама қилинди. Шунингдек, туман ҳокими, прокурор ва Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг "Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида ахилит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2026 йилда республика маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини янада ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу қарорлар доирасида 2026 йилнинг ўтган даврида туман маҳаллаларида 18 та "хавфсиз кўча" ва 13 та "хавфсиз уй" барпо этилган қайди қилинди.

Шунингдек, бугунги кунда 206 та машиини ва савдо объекти ҳамда 263 та хона-донат техника жиҳатдан кўриқловга олинган, бундан ташқари, кўп қаватли уйларнинг кириш эшикларига 150 та домофон, кириш йўлакларига 106 та "ташиш тўғрисида" ўрнатилган алоҳида таъкидланди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2026 йилнинг биринчи чоригида оила-турмуш низо-лари оқибатида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Шунингдек, олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар сони 8,8 фоизга қамайди.

Жиноят турлари бўйича ҳам ижобий натижалар қайд

этилди. Хусусан, қотиллик, ўғирлик, транспорт воситасини олиб қочиш, оғир тан жароҳати етказиш каби жиноятлар ҳамда ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари сони қамайди.

Ички ишлар органлари ташаббуси билан аниқланган жиноятлар 34,9 фоизга ошгани қайд этилди. Маҳаллалар кесимида тахлил қилинганда 30 та маҳалланинг 7 тасида жиноятлар қамайган, 21 тасида эса умуман жиноят содир этилмаган. Муҳими, мазкур натижалар ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини кўрсатади.

Муҳокама яқунда тегишли қарор қабул қилиниб, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Онлайн мулоқот

Фаол ривожланаётган ҳамкорлик

Кеча "Ўзбекистон — Бельгия" ва "Бельгия — Ўзбекистон" ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Онлайн мулоқотда Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги алоқалар сўнгги йилларда кенгайиб бораётгани, хусусан, савдо-иқтисодий, туризм, таълим, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик фаол ривожланаётгани таъкидланди.

Икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро муносабатларни кенгайтириш, ҳамкорлик бўйича гуруҳлар ва соҳавий кўмиталар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш,

мунтазам мулоқот ва ўзаро ташрифларни ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, ташрифлар доирасида эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлашда парламентларнинг ўрни муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Учрашув яқунлари бўйича парламентлараро мулоқотни изчил давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА АКС ЭТМОҚДА



"Ахборот эркинлиги принциплари ва қарорларни қабул қилишда", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида", "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Аҳоли бандлиги тўғрисида", "Ноширлик фаолияти тўғрисида", "Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги ҳамда "Мадаоний бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб қилиниши тўғрисида"ги қонунларга ҳам тегишли ўзгаришлар киритилди.

Анвархон ТЕМИРОВ,
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси долзарб аҳамиятга эга бўлиб, экстремизмга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш, профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, жамиятда тинчлик, товулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустақамлашга ҳуқуқий замин бўлади.

Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Тадбиркорнинг овора бўлишига йўл қўйилмайди

Мажлисида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан Иқтисодий процессуал ҳақда Солиқ кодексларига ўзгаришлар киритилиши, жумладан, солиқ тўловчи бўлган тадбиркорлик субъекти ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлигини тан олганда ва эътироз билдирмаганда, тадбиркорнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органлари томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Ҳуқуқбузарлик баргараф этилганда ҳисобварақ фаолиятига қўйилган чекловни бекор қилиш ҳам солиқ органи томонидан амалга оширилиши тақли этиляпти. Эндиликда қондабузилиш тан олганда, иш судга бормайди. Киритилаётган мазкур ўзгаришлар қондабузулишларни тез фурсатда баргараф қилиш ва тадбиркорга фаолиятини қисқа вақтда қайта давом эттириш имконини беради.

Зухриддин МАВЛОНОВ,
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар, экспертлар билдирган тақли ва тавсиялар ишчи гуруҳ ҳамда кўмита аъзолари иштирокида ба-тарфил қўриб чиқилиб, лойиҳа нормалари такомиллаштирилди. Ушбу ҳужжат тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятини тезда тиклаш имкониятини чеклайдиган ор-тиқча тартиб-таомилларни баргараф этади, тадбир-корлик субъектлари фаолиятининг барқарорлигини таъминлайди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Ҳарбий хизматчилар пенсиясини ошириш тақлиф қилинмоқда

"Ҳарбий хизматчиларнинг (ҳодимларнинг) ва улар оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Лойиҳа билан ҳарбий хизматчилар (ҳодимлар) ва уларнинг оила аъзоларини давлат пенсиялари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини қонун билан белгилаш, ушбу пенсияни тайинлаш шартлари, турлари, миқдорлари ва тартибига оид нормаларни такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Хусусан, ҳарбийда 30 йилдан ортиқ хизмат қилганлар учун пенсиянинг базавий миқдорини аниқлашда иш ҳақининг ҳисобга олинмаган миқдорини 75 фоиздан 100 фоизга ошириш, шунингдек, пенсия тайинлашда асос бўладиган пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорини ўн баравардан келиб чиқиб ҳисоблаш амалиётини ўн икки баравардан келиб чиқиб амалга ошириш тақлифи илгари сурилмоқда.

Тақдим этилаётган имтиёзлар Ватанимиз ва халқимиз хавфсизлигини таъминлашда узоқ йиллар фидокорона хизмат қилган, ўз ҳаётини юрти-миз истиқболли учун бағишлаб, фидойилик кўрсатган ҳарбийларнинг қўшимча рағбатлантириши, ёшларимизда бу соҳага меҳр ва иштиёқни ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби мақсадларни назарда тутган.

Козимжон ТОЖИБЕВ,
Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳаси ҳарбий хизматчилар (ҳодимлар) ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини кучайтириш, пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни аниқ тартибга солиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ва барқарор механизмларни шакллантиришга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Кибержиноятларга қарши курашиш — устувор вазифа

Мажлисида қўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Кескин ўсиб бораётган кибержиноятларга қарши курашиш, ҳуқуқдорлик, шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ишончли ҳимоя механизми

такомиллаштириш зарурати ортиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра, кейинги йилларда банк карталари орқали маблағларни талон-торож қилиш, онлайн фибрибарлик билан боғлиқ ҳолатлар кўпаймоқда. Бу эса мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг самарали комплекс ҳуқуқий механизмларини шакллантиришни тақозо этмоқда.

Қонун лойиҳасида кибержиноятларга қарши курашиш фаолиятида қатнашувчи давлат органлари ва ташкилотларнинг ваколатлари аниқ белгиланб берилмоқда. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги ушбу йўналишда ваколатли орган сифатида белгиланяпти.

Давлат органлари, банклар, тўлов ташкилотлари ҳамда интернет провайдерларининг маъсулияти оширилмоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шубҳали молиявий операцияларни мунтазам мониторинг қилиш ва ваколатли органларга тезкор ахборот тақдим этиш каби вазифалар шулар жумласидан.

Кибержиноятлардан жабрланган шахсларни реабилитация қилиш институти жорий этиляпти.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:

— Лойиҳа доирасида кибержиноятларни баргараф аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган янги механизмлар ҳам жорий этилмоқда. Хусусан, шубҳали транзакцияларни мониторинг қилиш орқали уларни тезкор тўхтатиш, салбий омилларни баргараф этиш бўйича тақдирномалар киритиш ҳамда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш кўзда тутилган.

Мажлисида таъкидланганидек, алоҳида эътибор "молиявий пирамида" кўринишидаги фибрибарлик схемаларига қарши курашишга қаратилди. Бундай ноконунчи фаолиятларни баргараф аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича самарали механизмлар жорий этилмоқда.

Қонун лойиҳаси юзасидан аниқлаштирувчи саволлар қўтарилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Муҳокама яқунда кўра, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шахсий маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

Депутатлар киберхавфсизлигини таъминлаш ва рақамли муҳитда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чиқди.

Бугунги кунда аҳолига банк ва тўлов тизимлари орқали пул ўтказмалари билан боғлиқ амалиётларни бажариш учун қатта қуйилдиқлар яратилган. Шу билан бирга, ахборот технологияларидан фойдаланиб, қўллаш қўламини кенгайтириш, жиноятларнинг баргараф олдини олиш, уларни фож этиш механизминини такомиллаштириш, фуқароларнинг банк карта ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини турли киберҳужумлардан ҳимоялаш тизимини кучайтириш зарурат туғилмоқда.

Депутатлар томонидан муҳокама этилган қонун лойиҳаси билан банк карталари, электрон ва криптоҳамонлар ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда бошқа шахсларга берганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Шунингдек, SIM-карталар, шахсий аккаунтлар ва идентификация воситаларини бошқа шахсларга ноқонуний бериш ёки улардан фойдаланиш ҳолатлари учун ҳам жавобгарлик чоралари кучайтириляпти.

Лойиҳада муҳим ахборот инфратузилимаси объекти-ларида киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланяпти. Банк ва тўлов ташкилотларида ахборот хавфсизлиги талабларига амал қилинмагани сабабли юзага келган зарарни банклар ва тўлов ташкилотлари томонидан қоплаш механизми жорий этилмоқда.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир қилинган жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилмоқда. Тергов органларига банк маълумотларини тақдим этишнинг аниқ мuddатларини белгилаш ҳамда ушбу талабларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини қатъийлаштириш тақлифи илгари сурилмоқда.

Сайдулло АЗИМОВ,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг самарадорлигини ошириш мақсадида айрим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Жумладан, лойиҳага мувофиқ Жиноят кодексининг 56-моддасига оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари ёки Интернет жазо ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш ҳазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритилмоқда. Бирок амалда оғирлаштирувчи ҳолат мавжудлиги модда санкциясида белгиланган жазодан оғирроқ жазо тайинлаш имконини бермайди.

Айни пайтда, айрим жиноят турлари табиатан ахборот технологиялари орқали содир этилади. Масалан, солиқ ҳисобовлари фақат электрон шаклда тақдим қилинади ва солиқ объектларини яшириш билан боғлиқ қилмишларда мазкур ҳолат ҳар доим мавжуд бўлади. Бу эса амалдаги рағбатлантирувчи нормаларни қўллашда муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, Жиноят кодексининг 57-моддасига кўра, шахс ўз айбини тан олиб, чин қўнғилдан пушаймон бўлса, жиноятни очигина фаол ёрдам берса ҳамда етказилган зарарни иктивий равишда баргараф этса, агар унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, унга тайинланган жазо энг кўп мuddати ёки миқдорининг учдан икки қисминдан ошмаслиги лозим. Демак, 56-моддага киритилаётган янги ҳолат келгусида мазкур рағбатлантирувчи нормани қўллашга тўқиллик қилиши мумкин.

Шу муносабат билан, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қайд этилган ҳолатларни атрофида таҳлил қилиш зарур бўлади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Миллий маҳсулотларнинг халқаро бозорларга чиқиш имкониятлари кенгайди

Мажлисида давлат ветеринария назоратини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан ойдан муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси миллий қонунчилик ҳужжатларини халқаро меъёрлар билан интеграциялашда жуда муҳим. У амалдаги қонунни Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисидаги битимига, Жаҳон ҳайвонлар соғлиги ташкилоти талабларига мувофиқлаштирилмоқда. Ветеринария назорати самарадорлигини ошириш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатда антибиотик ва зарарли моддалар мониторингини, хавфни эрта аниқлаш ва уни қамайтириш тартиблари белгиланмоқда. Ветеринария товарларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва реализациясида хавфни таҳлил қилиш ва бошқариш давлат ветеринария хизмати томонидан амалга оширилиши тақлиф этилмоқда.

Давлат ветеринария хизматида юқумли касалликлар бўйича худудлар (кичик худудлар) ва хавфсизлик тоифасини белгилаш ваколати берилмоқда. Бу юқумли касалликларни эрта аниқлаш, улар тарқалишининг олдини олиш, пировардида аҳоли саломатлигини мустақам ҳимоя қилишининг аниқ ҳуқуқий асосини яратяпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан худудларни эпизоотик ҳолатга қараб тоифалаш тақлиф этиляпти. Лаборатория назорати кучайтирилади. Ветеринария дори воситалари муомаласи устидан қатъий мониторинг ўрнатилди.

Қонун лойиҳаси ветеринария соҳасида ягона ва аниқ таомилларни шакллантиради. Давлат назоратининг очиклиги ва самарадорлигини мустақамлашди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Вазирга парламент сўрови юборилди

Депутатлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш. Хидоятгога "Аҳоли пунктларининг шахарсозлик ҳужжатларига шахарсозлик фаолияти субъектлари томонидан риоя этилиши устидан давлат архитектура назоратини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани қўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ушбу йўналишда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш, улар билан боғлиқ қонунбузилишларни баргараф этиш бўйича чораларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларидаги учрашувлари ва худудларда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари давомида соҳада ҳали ўз ечимини қутаётган қатор масалалар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги ўргангилар чоғида айрим ҳолларда шахарнинг бош режасига эид равишда қурилиш ишлари олиб борилаётгани маълум бўлди.

Мажлисида юқоридагилардан келиб чиқиб, вазирлик томонидан шахарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш ва баргараф қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асосланган тушунтиришлар бериш ҳақида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирига парламент сўрови юборилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда масъуллиқ

Мажлисида ички ишлар вазири А. Топшўлатовга "Автомобиль йўлларидидаги фото-видео қайд этиш техника воситаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда самарадорлиги ҳамда йўл ҳаракати соҳасига ахборот теҳнолологияларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламин билан амалга оширилиб, ушбу соҳада оид муносабатларни тартибга солувчи мустақам ҳуқуқий база яратилди. Хусусан, "Йўл ҳаракати тўғрисида"ги Қонун ҳамда Президентимизнинг қатор қарорлари қабул қилинди.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг маъсулиятини ошириш ва назорат тизимини самарали олиб бориш мақсадида автомобиль йўлларига замонавий камералар ва радарлар ўрнатилмоқда. Улар йўл ҳаракати иштирокчиларининг қондаларига риоя этишини назорат қилишда самарали восита ҳисобланиб, ҳайдовчиларнинг маъсулиятини кучайтиришга, қондабузарликлар ва йўл-транспорт ҳодисалари сони қамайишига ҳамда соҳада коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларида фуқаролар билан ўтказилган мулоқотлари ва учрашувлари давомида транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир қилинган қондабузарликларни аниқловчи фото-видео қайд этиш техника воситаларининг ёки кўчма фоторадарларнинг фаолияти борасида

Фестиваль

БЕТАКРОР САНЪАТ ДУРДОНАСИ

Хива шаҳрида "Лазги" III халқаро рақс фестивали доирасида "Жаҳон маданий тараққиётида рақс санъати: анъана ва умумбашарий қадриятлар" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда Этномаданият форуми ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги, ЮНЕСКО, ТУРКСОЙ, Халқаро фестиваллар дирекцияси, Ўзбекистон давлат хореография академияси ҳамда Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда дунёнинг турли мамлакатларидан келган таниқли санъатшунослар, олимлар ва маданият соҳаси вакиллари рақс санъатининг инсон ҳаётидаги ўрни, унинг тарихий илidlazлари ва замонавий тараққиёт тенденциялари ҳақида фикр алмашди. Миллий рақс анъаналарини асраб-авайлаш, уларни глобал маданий маконда тарғиб этиш ва ёш авлодга етказиш, жумладан, "Хоразм лазгиси" рақсининг эстетик-этнографик хусусиятларини ўрганиш, янги қирраларини кашф этишга эътибор қаратилди.



— Хоразм санъатининг ўзига хос "ташриф номаси" бўлган "Лазги" рақси уч минг йиллик тарихга эга бўлиб, ўзининг чуқур ҳаётий фалсафаси, ўхшаши йўқ ихро услуби ва жозибаси билан бутун дунёга машҳурдир, — дейди озарбайжонлик санъатшунос Фатима Исмаилова. — "Лазги" рақси ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани унинг бетакрор санъат дурдонаси эканидан далolat беради. Анжуман давомида "Лазги" рақси фалсафаси ва бугунги глобаллашув жараёнида рақс санъатининг ўрни ҳақида дунёнинг турли бурчақларидан ташриф буюрган ҳамкасбларимиз билан қизғин мулоқот қилиб, фикр алмашдик.

Халқаро илмий-амалий конференция иши "Хоразм "Лазги" рақси: тарихий-фалсафий ва илмий-маданий омилилар", "Глобаллашув шароитида хореография санъати тараққиёти", "Лазги" феномени: номоддий маданий меросини асрашнинг инновацион стратегиялари" каби шубҳаларда давом этди. Анжуманда қатор давлатлардан соҳа мутахассислари "ZOOM" платформаси орқали онлайн тарзда қатнашди.

Конференция доирасида соҳа мутахассислари, санъатшунос олимлар ва тадқиқотчилар томонидан жаҳон халқлари санъати, ўзбек миллий рақс санъати тарихи, "Лазги" рақсининг шаклланиш босқичлари, эстетик-этнографик хусусиятлари, миллий-маданий жиҳатлари, маросим ва фольклор рақслари, уларнинг ифода услублари, рақс таълими, музыка маданияти ҳамда замонавий санъатшунослик масалаларига оид 200 дан ортиқ илмий мақолалар тақдим этилди. Улар саралаб олинди, нашрга тавсия қилинди.

Этномаданият форумида асосий мақсад — Марказий Осиё ва Россия халқларининг этномаданий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилиш асосида маданий дипломатияни ривожлантириш, ўзаро ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, маданият ва санъат соҳасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, ёшлар ва кенг жамоатчилик ўртасида маданий ўзлиқни англаш ҳамда миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини кучайтиришга қаратилди.

Форум доирасида илмий-амалий конференция ўтказилиб, унда Марказий Осиё мамлакатлари ва Россиядан келган маданиятшунослар, этнографлар, олимлар ҳамда соҳа экспертлари этномаданий меросини асраш ва ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Урганч шаҳридаги Маданият марказида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Россия давлатларининг рақс жамоалари иштирокида катта концерт дастури бўлиб ўтди.

Мазкур форум минтақада маданий-гуманитар ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишонччи янада мустаҳкамлаш, шунингдек, барқарор маданий мулоқот шартларини шакллантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

"Лазги" III халқаро рақс фестивали доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).



БУХОРО ИЛМ-ФАН МАКТАБИНИНГ ЖАҲОНГА ТАЪСИРИ

Мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўларок, бугунги кунда мактабга таълим тизимида қамров даражаси 74 фоизга етди. Ваҳоланки, 9-10 йил илгари бу кўрсаткич атиги 27 фоизни ташкил этарди. Бундан ташқари, ўқитувчилар билим даражаси ва нуфузи ошиб, олий маошлари ўртача 3-4 бараварга кўпайди. Олий таълим муассасалари сони 210 тадан ошгани ҳам бу соҳага қаратилаётган эътибор ифодасидир. Бугун юртимизда дунё рейтингига нуфузи баланд хориж университетларининг филиаллари фаолият олиб борапти ва бу ўғил-қизларимизнинг жаҳон стандартлари даражасида билим олишига имкон яратмоқда.

Нуктаи назар

Давлатимиз томонидан таълим соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам йил сайин ортиб бормоқда. 2025 йилда бюджет харажатларининг 52 фоизи ижтимоий соҳа учун ажратилган бўлса, унинг энг катта қисми таълимга йўналтирилди.

Ёшларни илмий қилиш учун тикилган сармога келажакка қўйилган инвестициядир. Шу жиҳатдан ўтмишга назар ташласак, миллатнинг маънавий юксалиши, аввало, илм ва маърифатга эътибордан бошланганига гувоҳ бўлаемиз.

Аждодларимиз илмни фарз билган

VIII — XI асрларда Бухорода таълим тизимининг шаклланиш жараёнига назар ташласак, билим олиш дастлаб масжидлар ҳузуридаги умумий-аралаш таълим шаклида йўлга қўйилганини кўрамиз. Кейинчалик бу жараён босқичма-босқич такомиллашиб, бошланғич таълимга ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда ўрта ва олий босқични қамраб олган мадрасалар тизимига кўчди. Марказлашган таълим муассасалари билан бир қаторда, жамиятнинг турли маданий маконлари ҳам илм-маърифат ривожига муҳим ўрин тутарди. Хусусан, китоб дўконлари, кутубхоналар, қарвонсаройлар, работлар, хонақоҳлар ва шифохоналар нафақат олимлар ва толиби илмлар учрашадиган жой, балки ўзига хос таълим марказлари сифатида ҳам фаолият юритган. Бу ўз даврида Бухоронинг нафақат сиёсий ёки иқтисодий, балки йирик илмий-маърифий марказ сифатида шаклланиганини кўрсатади.

Бу даврдаги Бухоро таълим тизимини шартли равишда бир неча босқичга ажратиш мумкин. Хусусан, бошланғич таълим, асосан, масжидлар ва мактабларда, шунингдек, хусусий ўқитувчилар ҳузурида йўлга қўйилган. Унда савод ққариш, Қуръон ўқиш ва одоб-ахлоқ асослари ўргатилган. Ўрта ва олий таълим эса

масжидлар, мадрасалар, турли маданий маконлар ҳамда илмий йиғинлар доирасида амалга оширилган. Бу босқичда фикр, мантик, тилшунослик, фалсафа каби фанлар чуқур ўрганилган. Шунингдек, таълимнинг яна бир муҳим шакли — алоҳида устозлар ҳузурида таҳсил олиш ва илм талабиди хорижга сафар қилиш орқали удаланган олий махсус таълим ҳисобланади. Бу йўналишда талабалар ўз соҳасининг етуқ уламоларидан сабоқ олиб, билим ва тажрибаларини янада бойитган.

Ўрта асрлар христиан Европасида таълим деб, биринчи навбатда, диний илмлар англашилгани сабабли илк тизимли таълим ҳам айнан черковлар ҳузурида бошланган. Илк олий ўқув муассасалари ҳам дастлаб фақатгина диний билим беришга мўлжалланган. Самарқанд давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродов "Халқ сўзи" газетаси муҳбири билан сўхбатда университетларнинг барчаси дастлаб диний таълим муассасаси бўлгани, даврлар ўтиши билан уларда дунёвий фанлар ўқитила бошланганини айтганди.

Муслуним шарқиди ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатишган. Ислон даврининг бошларида Бухорода мадрасалар нафақат бошланғич таълим оладиган марказлар вазифасини бажарган, балки уларда ўрта ва олий таълим жараёнлари ҳам амалга оширилган. Бунда турли диний ва дунёвий илмларни эгаллаган кишилар мадрасанинг алоҳида ажратилган жойларда талабаларга дарс беришган.

Йирик кутубхона ва илк мадраса

IX-X асрлардан бошлаб айрим мударрислар ибодат жойи бўлиши масжидда турли сўхбатлар ва баҳс-мунозаралари ноҳиоз билиб, турли бунинг учун мўлжалланган махсус жой — мадрасага кўчириш

ди. Шу даврдан бошлаб ўта камёб бўлган мадрасаларнинг сони кескин оша бошлади. Бу даврда Сомониylар давлатида қарор топган қарашлар эркинлиги ва диний бағрикенглик муҳити илм ўрганишга иштиёқнинг кучайишига, бу эса, ўз навбатида, Бухорода катта кутубхона ва илк мадрасаларга асос солинишига олиб келди. Умуман, ислон дунёсида мадраса ташкилотлашган таълим муассасаси сифатида илк бор Сомониylар давлати ҳудудида вужудга келди.

Кўпчилик тарихчилар ислон дунёсидаги илк тизимли мадраса Салжукийлар давлати (1037 — 1194) вазир Низом ул-мулк (1018 — 1092) ташаббуси билан 1066 йили Бағдод шаҳрида барпо этилган деб билишса-да, манбаларда ушбу илк мадраса очилишидан анча олдин ҳам Бухорода тизимли мадрасалар фаолият кўрсатгани айтилади. Жумладан, эронлик шарқшунос-манбашунос олима Фараҳноз Қўҳан Абу Ҳафс Кабир мадрасасини Бухородаги илк мадраса, деб билади. Ўзбек шарқ

Наршахийнинг ёзишича, X аср бошларидан Бухорода Форжак мадрасаси, X аср ўрталаридан эса Хон ҳаммоми яқинидаги мадраса фаолият кўрсатган. Булардан ташқари, Сомониyl Бухоро шаҳридаги "Дарб ал-ҳадид" ("Темир дарвоза") маҳалласида жойлашган X аср бошларида ёки ўрталарида ташкил топган Имом Абу Бақр ибн Фазл мадрасаси тўғрисида маълумот беради. Абдусаттор Жуманазар Садр Зиёнинг "Тарихи осориатика ва биноҳийи қадими Бухорои шариф" ("Бухорои шарифнинг осориатикалари ва қадимий биноҳийи илм тизимли мадраса таянган ҳолда бу даврда Бухорода Калобод ва Ғарибия мадрасалари ҳам фаолият кўрсатганини эслатади.

Умуман, Бухоро масжидлари ва мадрасалари талаба ва мударрисларга дарс берадиган олимлар билан тўла бўлган. Мадрасалар илмий даргоҳ бўлиши билан бирга, бошқа юртлардан келадиган талабалар учун яшаш маскани ҳам эди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу даврда Бухорода илм

Бухоро мадрасаларида фақатгина диний илмлар эмас, балки дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Масалан, манбаларда келтирилишича, Қози Абдураззоқ ал-Бухорий ўз маҳалласи мадрасасида тиббиёт ва математикадан дарс берган.

шунос олими Абдусаттор Жуманазарнинг таъкидлашича, Абу Ҳафс Кабир мадрасаси Бухородаги энг қадимий олий ўқув юртларидан бўлиб, 800 — 810 йиллар атрофида асос солинган. Машҳур муҳаддис Имом Бухорий (810 — 870) ушбу мадрасада таълим олган буюк шахслар жумласига кирди. Бундан келиб чиқадиги, Абу Ҳафс Кабир мадрасаси ҳақиқатан ҳам нафақат Бухорода ёки Мовароуннаҳрда, балки бутун ислон дунёсида вужудга келган илк тизимли олий мадраса — университет ҳисобланади. Уша даврда Абу Ҳафс Кабир ва унинг шогирдлари ҳузурида таълим олиш учун бошқа ўлкалардан ҳам кўплаб илм толиблари кела бошган. Унинг дарслари хар кун ҳам номодозидан кейин ташкиллаштирилган. Мадраса ханафийлик илмий анъаналарининг ўрнатилишида катта роль ўйнаган. Бухороликларга дарс бериш учун ислон оламнинг Мадина ва Бағдод каби йирик илмий марказларидан ҳам олимлар келишган.

ўрганувчилар ва илм ўргатувчиларнинг сони жудаям кўпайиб кетган. Бухоро мадрасаларида фақатгина диний илмлар эмас, балки дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Масалан, манбаларда келтирилишича, Қози Абдураззоқ ал-Бухорий ўз маҳалласи мадрасасида тиббиёт ва математикадан дарс берган.

VIII — XI асрларда Бухоро шаҳрида шаклланиган, кейинчалик заманимизнинг бошқа шаҳарлари ва диёрларида ҳам ёйилган мукаммал, самарали олий таълим тизими IX — XII асрларда юз берган Биринчи Уйғониш давридаги мислсиз илм-фан ва маданият тараққиёти учун асос бўлса, XIV-XV асрларда юз берган Иккинчи Уйғониш даври учун эса намуна ҳамда туртки вазифасини бажаргани маълум. Бу олий таълим тизими тарихига фақатгина мерос сифатида эмас, балки Янги Ўзбекистон тарихида шаклланиётган Учинчи Ренессансининг мустаҳкам пойдевори, илмий-амалий таълим сифатида ёндашиш зарур. Шу боис уни хар томонлама чуқур ўрганиш, замонавий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш ва кенг жамоатчиликка самарали тарзда тарғиб этиш мақсадга мувофиқдир.

Обиджон ҲАМИДОВ, Бухоро давлат университети ректори, иқтисодий фанлари доктори, профессор,

Комилжон РАҲИМОВ, Абу Райҳон Бериунинг номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори (DSc), профессор.

Замонавий спорт иншооти ёшлар ихтиёрида

Қарши шаҳрида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан барпо этилган замонавий ёлғқ сув спорти саройи фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик

— Бундан қарийб икки йил аввал Президентимиз пойтахтимизнинг Яққасарой туманида барпо этилган сув спорти саройи билан танишар экан, бундай замонавий шартнослар фақатгина пойтахтда эмас, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, хусусан, Қашқадарёда ҳам бўлиши керак деган ташаббусни илгари сурган эди, — деди мажмуанинг тантанали очилиш маросимида қатнашган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. — Ушбу саройнинг бунёд этилиши юртимизда инсон қадрини улуғлаш ва манфаатларини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлидаги кенг қўламли хайрли ишларнинг амалий натижасидир.

Маросим иштирокчилари тўлиқ жаҳон андозалари асосида барпо этилган, сув спорти бўйича йирик халқаро мусобақаларни ҳам қабул



қила оладиган муҳташам мажмуада яратилган шарт-шароитлар билан танишишди.

Замонавий мажмуа 2 гектар ҳудудни эгаллаган бўлиб, унинг тарихида 50х21 метр ўлчамли сузиш ҳавзаси, 16х16 ўлчамли, 10 метр баландликдан сувга сакраш учун мўлжалланган ҳавза, баландликдан сакраш миноралари ва маҳорат машқлари учун қуруқ бассейни, шунингдек, болалар учун мўлжалланган иккита ҳовуз мавжуд. Бундан ташқари, ёлғқ сузиш ҳавзаси, маъмурият, медиазона, фитнес ҳамда йиғилиш заллари ҳам барпо этилган. Инфратузилма доирасида 700 ўринли томошабинлар трибунаси, кенг холл, душ ва кийим алмаштириш хоналари ва дам олиш ҳудудлари мавжуд.

Эътиборлиси, мажмуага ўрнатилган барча ускуна ҳамда жиҳозлар

дунёнинг етакчи, ишончли ва машҳур ишлаб чиқарувчи компаниялари томонидан тайёрланган бўлиб, юқори сифат, энергия самардорлиги ҳамда илғор технологиялар талабларига тўлиқ жавоб беради.

— Бугун бу ердаги шартносларни кўриб, қалбим фахрга тўлди, — дейди Қарши шаҳридаги Янги Бобоғод маҳалласи фаоли Нодирбек Тўйлиев. — Ёшларимиз учун шундай имкониятлар яратиб берилаётгани, кўриб кўз қувонади. Бу, албатта, юртимиздаги тинчлик, Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат самараси, деб биламан.

Тантанали тадбирда синхрон сузиш бўйича маҳоратли спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

«Сув париси — 2026»

Тинчлик ва дўстлик тараннуми

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Ўзбекистон сув спорти федерацияси ва Спорт вазирлиги билан ҳамкорликда 26-27 апрель кунлари "U-12", "U-15" ҳамда катталар ёш тоифаларидаги спортчилар ўртасида синхрон сузиш бўйича "Сув париси — 2026" очиқ халқаро турнири ўтказилди.

Марказий Осиёда ягона — Олимпия шаҳарчасининг Сув спорти турлари саройида ташкил этилган ушбу бешлашувларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Беларусь Республикасида жами 200 нафарга яқин спортчилар қатнашиб, ўз маҳоратларини намойён этди. Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш учун эса 75 нафар спортчи бешлашувга киришди.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида бу каби кенг қўламли ва йирик халқаро спорт турнирининг ўтказилаётгани Президентимизнинг мамлакатимизда спортни, жумладан, сув спорти турларини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибори натижаси экани алоҳида эътироф этилди.

— Тарйифга тил оҳиз, замонавий Олимпия шаҳарчаси халқаро стандартларга мос мажмуа бўлибди, — дейди синхрон сузиш бўйича Россия терма жамоаси мураббийи Кристина Казимова. — Бу ерда келгусида ҳам йирик халқаро турнир

лар ўтказилишига ишонамиз. Мусобақаларда халқаро олий тоифали ҳақамлар иштироки эса унинг шаффоф ва адолатли ўтишини таъминлади. Биз бундан ўзимиз учун ҳам тажриба ортирдик.

Мусобақалар давомида техник соло, техник ва эркин микс дует, техник дует, техник гуруҳ, эркин дует, микс дует, акробатик гуруҳ, бирлашган гуруҳ, эркин яққалик, эркин гуруҳ каби йўналишларда голиблар аниқланди.

Яқуний натижаларга кўра, медалларнинг умумий сони бўйича Ўзбекистонлик спортчилар жами 22 та, хусусан, 11 та олтин, 9 та кумуш ва 2 та бронза медалларини кўлга киритиб, 1-ўринни эгаллади. Россиялик спортчилар 14 та медал билан 2-ўринни, қозоғистонлик спортчилар жами 13 та медални нақд қилиб 3-ўринни, беларуслик спортчилар эса 6 та медалга сазовор бўлиб, 4-ўринни кўлга киритди.

«Халқ сўзи».

Эндиликда руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бор шахсларни мустақил ҳаётга тайёрлашга қаратилган «Мураббий кузатувида» мустақил яшаш хизмати йўлга қўйилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқий маълумотларни оқиб олди учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотиббачи 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳрират компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсум. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — А.Алиқулов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши